

**ЎзР ФА Миллий археология маркази ва
Евроосиёни ўрганиш жамияти (Швейцария)
ўртасидаги илмий ҳамкорликка оид**

ШАРТНОМА

Шартнома предмети

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Миллий археология маркази номидан директор (кейинги уринларда ЎзРФА МАМ) Фарҳод Мақсудов бир томондан ҳамда Евроосиёни ўрганиш жамияти ("Gesellschaft zur Erforschung EurAsiens", Швейцария) директори номидан Кристоф Баумер иккинчи томондан "Ғарбий Сўғд Ўзбекистон-Швейцария археологик экспедицияси (Варданза қўрғони материаллари асосида)" мавзусидаги халқаро қўшма илмий лойиҳа бўйича археологик изланишлар олиб бориш учун 2022 йил 1 январдан – 2026 йил 31 декабргача бўлган беш йиллик даврга мўлжалланган ушбу шартномани туздилар.

Қўшма изланишлар доктор Жамоллидин Мирзаахмедов (ЎзРФА МАМ) Ўзбекистон томонидан ва доктор Сильвия Поззи (Евроосиёни ўрганиш жамияти, Швейцария) томонидан мувофиқлаштирилади.

Ушбу шартномага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Бухоро тарихий воҳаси Варданза қўрғонида илмий тадқиқотларни олиб бориш бўйича тузилган Ғарбий Сўғд Ўзбекистон-Швейцария археологик экспедициясининг ишини бошлаш режалаштирилган.

Шартнома доирасидаги Ғарбий Сўғд Ўзбекистон-Швейцария археологик экспедициясининг бюджетини режалаштириш ва ижро Евроосиёни ўрганиш жамияти (Швейцария) томонидан амалга оширилади.

ЎзР қонунчилигига мувофиқ, Ғарбий Сўғд Ўзбекистон-Швейцария археологик экспедициясининг барча топилмалари Ўзбекистонда қолиши белгиланган.

II

Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази:

- экспедиция аъзоларига юқорида кўрсатилган археологик ёдгорликда иштирок этиш имкониятини яратади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ археологик қазишма ишлари ва тадқиқотлар учун зарур бўлган барча рухсатнома ва ҳужжатларни таъминлайди;
- экспедициянинг хорижий аъзоларини Ўзбекистон Республикасида виза олиш ва рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар билан таъминлайди;
- юқорида кўрсатилган археологик ёдгорликда олдинги йилларда ўтказилган изланишлар натижасида қўлга киритилган топилмаларни ўрганишга имкон яратади;
- экспедициянинг археологик материалларини илмий қайта ишлаш учун жой ажратади;
- Ўзбекистон томонидан 3 нафаргача илмий ходимни экспедиция таркибига киритади;
- Ўзбекистон томонидан 3 нафаргача ёш тадқиқотчини экспедиция таркибига киритади;
- экспедициянинг хорижий аъзоларини Ўзбекистонда илмий стажировка ўташини қўллаб қувватлайди;

Евроосиёни ўрганиш жамияти (Швейцария):

- Ўзбекистон Республиканинг амалдаги барча қонунларига риоя қилади;
- мазкур шартнома мақсадларига мувофиқ ҳаракат қилади;
- экспедициянинг барча аъзоларини дала тадқиқотлари учун зарур ускуналар билан таъминлайди;
- экспедиция аъзоларининг Ўзбекистон Республикасидаги йўл ва озиқ-овқат харажатларини қоплайди, шунингдек, экспедицияда қатнашган барча мавсумий ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлайди;
- қазишма ишлари даврида олинган материалларнинг лаборатория таҳлилларини (радиокарбон санасини аниқлаш, изотоп таҳлили, металлографик таҳлил ва бошқалар) молиялаштиради;
- қазишма ишлари якунлангач Ўзбекистон қонунчилиги асосида археологик объектларни бирламчи консервациясини молиялаштиради;
- Ўзбекистон томонидан экспедиция изланувчиларини ҳаммуаллифлар қаторига қўшган ҳолда қўшма изланишлар натижаларига асосланган монография нашрини молиялаштиради;

- экспедициянинг имкониятларидан келиб чиқиб (имкон бўлганда), ЎзРФА МАМ даврий нашрларини қўллаб қувватлаш учун ҳар йили 1000 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ЎзРФА МАМ банк ҳисобига ўтказди. Моддий ёрдам борасидаги маълумот ЎзРФА МАМнинг даврий нашрларида эълон қилинади.

III

Томонларнинг ҳамкорлиги

Ушбу шартнома доирасида бажарилган ишлар натижасига бўлган ҳуқуқлар иккала томонга ҳам бир хилда тегишлидир.

Муайян бир материал таҳлил қилиниб биринчи қўшма нашр қилинганидан сўнг, ҳар бир томон иккинчи томоннинг розилигисиз, лекин дастлабги нашрга ҳавола берган ҳолда маълумотларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун, томонлар биринчи нашрларнинг матни бўйича ўзаро келишувга эришмагунча, биргаликдаги тадқиқотлар натижаларини яқка ҳолда нашр этмаслик мажбуриятини оладилар.

Томонлар координаторлари ҳар йили 15 январга қадар йиллик тадқиқотнинг тақвимий режасини тузадилар. Тақвимий режа шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, ЎзРФА МАМ директори томонидан тасдиқланади.

Тақвимий режасиз томонларнинг тадқиқот олиб бориши таъқиқланади ва шартноманинг бекор қилинишига асос бўлади.

Томонлар Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган тартибда дала тадқиқотлари ҳисоботларини шакллантирадилар ва топширадилар.

Томонлар биргаликда олиб борилган ишлар натижаларига бағишланган нашрлардан ташқари, ҳар икки мамлакатда эришилган, миллий ва халқаро ихтисослашган нашрларда (журналларда) чоп этилган ҳисоботлар ва илмий мақолалар кўринишидаги тадқиқотлар натижаларини оммалаштиришга кўмаклашишни ўз зиммаларига оладилар;

Томонлар ўртасидаги илмий нашрлар алмашуви ҳам кўзда тутилиб, ҳар иккала ташкилот ўзларида нашр этилаётган янги илмий адабиётларни тақдим қилиш бўйича амалий ишларни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Томонлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб биргаликда давра суҳбатлари, семинарлар ёки икки томондан келишилган мавзуларда кўргазмалар тайёрлаш бўйича иш олиб борадилар.

Мазкур шартнома икки тилда тузилди: инглиз ва ўзбек. Ҳар икки нусха бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

Шартнома, мuddати тугагач томонларнинг ўзаро келишуви асосида узайтирилиши мумкин.

IV

Шартноманинг бекор қилиниши

- Шартнома икки томон розилиги билан ёки бир томонлама бекор қилиниши мумкин;
- Шартнома бекор қилинадиган бўлса, бу ҳақда 2 ой олдин томонлар бир-бирини огохлантириши лозим;

Евроосиёни ўрганиш жамияти (Швейцария):

Исми-шарифи:

Имзо:

Сана:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази:

Исми-шарифи:

Имзо:

Сана:



Farhod MAKSUDOV